

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ДУСТЛАР

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 91 (4082).

Жума, 9 май, 1969 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СССР Мудоффаа Министрининг БУЙРУҒИ

1969 йил 9 май

№ 115

Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлари!
Офицер, генерал, ва адмирал ўртоқлари!
Улуғ Ватан урушининг ветеранлари!

Бутун совет халқи ва унинг жангчилари, бутун прогрессив инсоният фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 24 йиллигини байрам қилмоқда.

Улуғ Ватан уруши жаҳонда биринчи социализм мамлакатининг ҳалқаро империализм зарбдор кучларига қарши курашда энг катта ва оғир синов бўлди. Бу уруш душманга зарба бериш учун бизнинг давлатимиздан ҳамма моддий ва маънавий кучларини сафарбар қилишни талаб этди.

Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда совет халқи, армия ва флот жангчилари мислсиз матонат ва оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Улар гитлерчилар Германиясини тор-мор қилиш ишига ҳал этувчи ҳисса қўшдилар. Ўзларининг тарихий бурчларини шараф билан бажардилар.

Мамлакатимизнинг ҳамма халқларини жипслаштириб, уларнинг куч-қайратини Улуғ Октябр ғалабаларини ҳимоя қилишдан иборат ягона мақсадга қаратган Коммунисттик партиянинг доно раҳбарлиги ватан урушида ғалаба қозонишимиз учун ҳал қилувчи шарт бўлди.

Иккинчи жаҳон урушида герман фашизми билан япон милитаризми тор-мор келтирилганлиги империализм позицияларини тағин ҳам заифлаштиришга олиб келди. Жаҳон социалистик системасини вужудга келтиришга, халқаро инчилик ҳаракатини ҳамда мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий озодлик курашини кучайтиришга қўмаклашди.

Урушдан кейинги йилларда бизнинг мамлакатимиз коммунизм йўлидан шахам олди ташлаб бормоқда.

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлашдан гойат манфаатдор бўлган Совет Иттифоқи диния, тинчликсевар ташқи сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Бирок бутун меҳнаткаш халққа яқин ва тушунарли бўлган ана шу ташқи сиёсат йўли реакцион империалистик доиралар томонидан қаттиқ қаршиликка учрамоқда.

Империализмининг агрессив кучлари тарих сабоқларини назар-писанд қилмай ер кўррасининг турли районларида кескинлик учоқларини келтириб чиқармоқдалар, қуролашни пойғаси-

ни кучайтирмоқдалар. Улар Вьетнам халқига қарши ваҳшиёна урушини давом эттирмоқдалар ва Исроил агрессорларининг араб халқларига қарши олиб бораётган ҳарбий авантюраларига ҳомийлик қилмоқдалар. Европа харитасини қайтадан ўзгартиришга интилаётган Гитлер Германия милитаристлари ва реваншистларининг активлиги катта ҳаф тугдирмоқда.

Шундай шароитда Коммунисттик партия билан Совет ҳукумати давлатимизнинг мудоффаа қудратини, армия ва флотнинг жанговар тайёргарлигини янада ошириш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар.

Коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган совет жангчилари шонли жанговар аъёнларини муқаддас сақламоқдалар ва кўпайтирмоқдалар, ватанимизнинг муқаддас чегараларини маҳкам туриб ҳимоя қилмоқдалар. Улар қардош социалистик мамлакатларнинг жангчилари билан биргаликда социализм улуғ ғалабаларини ҳимоя қилиш юзасидан ўз зиммаларига юклатилган фахрли ва масъулиятли вазифаларини шараф билан бажармоқдалар.

Совет қуроли кучларининг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчиларини ғалаба байрами билан таъриқлайман ва кутайман!

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 24 йиллигини нишонлаш юзасидан **БУЙРУҒАМАН:**

Бутун 9 май маҳаллий вақт билан соат 21 да ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Қаҳрамон қалъа — Брестда, шунингдек Мурманск, Свердловск, Новосибирск, Хабаровск, Владивосток шаҳарларида тўплардан бир йўла ўттиз марта ўй узиб, салот берилсин.

Янасин улуғ совет халқи ва унинг Қуроли Кучлари! Янасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунисттик партияси, Ленин партияси!

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!
СССР МУДОФФАА МИНИСТРИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ

А. А. ГРЕЧКО.

Бугун гитлерчи
фашистлар усти-
дан қозонилган
ғалабанинг
24 йиллиги.

БУЗИЛМАС ҲАМДУСТЛИК

Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан Москвада 7 майда пойтахт меҳнаткашлари вакиллари, тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Йозеф Леонарт бошчилигидаги Чехословакия — Совет дўстлиги иттифоқи делегациясини, Чехословакия Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидagi аълиси Владимир Коуцкийни ва чехословакиялик бошқа ўртоқларни қизгин таъриқладилар.

Президиумда меҳмонлар билан бирга А. П. Кириленко, М. А. Суслон, А. Н. Шеленин, К. Ф. Катусев ва бошқа ўртоқлар бор эдилар.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Я. Павлов очди (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ДЕХЛИДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Хиндистон президенти доктор Зокир Хусайнинг дафтиридаги муносабати билан мотам маросимда қатнашган учун Деҳлида борган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 7 майда Москвага қайтиб келди. СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгидзе, СССР Ташқи ишлар министрлигини уринбосари Н. П. Фирюбин ҳам А. Н. Косигин билан бирга қайтиб келишди (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Китоб нашр этиш соҳасидаги кўп йиллик ва самарали ишлари учун ҳамда туғилган кунига олтинчи йил туғилиши муносабати билан «Ўзбекистон» нашрийтининг директори Файзулла Юнусович ЮНУСОВ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

РАДИО КЎНИГА БАҒИШЛАБ

Кеча Тошкент шаҳрида радио кўнига бағишланиб тантанали йиғилиш ўтказилди. Бу ерга радио ва телевидение ходимлари, алоқачилар, республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. О. Толимов очди.

Залга тўпаланган КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий бюросини гулдороз қарсақлар билан фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радио ва телевидение Давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов радио кўнига бағишлаб докла қилди.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг уринбосари А. С. Абдуллин, республика Министрлар Совети Раисининг уринбосари С. О. Азимов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 8 МАЙГАЧА БЎЛГАН

МА Ъ Л У М О Т

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан ва учинчи стун — бир кунда экилган чигит (процент ҳисобида).

УРТА ЧИРЧИҚ	100,0	—
ОРЖОНИКИДЗЕ	100,0	—
Оқуғрон	98,8	—
Янгийўл	98,6	0,6
Юқори Чирчиқ	97,4	0,3
Бекобод	96,4	1,4
Бўка	85,9	1,0

Область бўйича	95,4	0,6
----------------	------	-----

ҚАҲРАМОНЛИК СОЛНОМАСИ

Совет халқи, унинг Қуроли Кучлари, социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари ҳамда жаҳондаги барча прогрессив кишилар бутун Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 24 йиллигини нишонламоқдалар.

Фашистлар Германиясининг СССР га қилган ҳужуми мамлакатимиз бошига тушган энг оғир синов бўлди.

Маълумки, немис-фашистлар бутун Европани маглуб қилиб, бизнинг мамлакатимизга қарши урушга тайёрланган даврда Америка, Англия ва Франция империалистлари Гитлерга катта ёрдам кўрсатиб келганлар. Улар немис-фашистларга қудратли ҳарбий экономика яратишга имконият беришга қўмак, балки унга қарши коллектив бўлиб зарба беришдан ҳам бош тортидилар.

1941 йилнинг 22 июнида Европада осон ғалаба қозониши билан маст бўлган фашистлар эълон қилмай туриб бизнинг Ватанимизга қарши уруш бошлашди. Урушнинг дастлабки ҳафталарида фашист қўшнлари мамлакатимиз ичкарасига 150—600 километр масофага босиб кирдилар. Шу даврда душман мамлакатимиз аҳолисининг 45 проценти яшаб турган, ишлаб чиқариш кучларининг 33 проценти, экин майдонларининг 47 проценти ҳамда темир йўлларнинг 55 проценти жойлашган, катта территорияни эгаллаб, Москвага, Ленинградга, Волга дарёсини қирғоқларига яқинлашиб қолди.

Лекин фақат бизнинг социалистик давлатимизгина ана шуидан зарбага бардош бериб ҳамда тез орада қарқинч ҳужумга ўтиб, душмани Берлинга қувиб борди. Ватанимиз немис-фашист босқинчиларига қарши урушининг бутун асосий оғирлигини ўзига олди ҳамда гитлерчилар Германиясини маглуб қилишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

К. А. МАКСИМОВ,

генерал-майор, Туркистон ҳарбий округи Сийёсий бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Урушнинг дастлабки даврида, ёқ мамлакатимиз ўзининг нақадар зўр куч-қудратга эга эканлигини бутун дунёга намойиш этганди. Айнисса, Москва остидаги жангларда «Гитлер армиясининг енгилмаслиги» ҳақида афсона пучга чиқди, «яшини тезлигидаги уруш» планлари барбод бўлди. Москва урушининг бориши мамлакатимиз фойдасига ўзгартиришда ҳал қилувчи бурчларини бошлаб берди.

Бизнинг армиямиз Сталинград оstonларидан олти ярим ой давом этган улкан жангга ҳам тарих кўрмаган ғалабага эришди, душманининг 330 минг кишилик қўшинини тор-мор қилди. Волгадаги ғалаба Улуғ Ватан урушининг боришда тубдан бурилди. Ясади. Шундан сўнг Курск оstonларидан Днепрда, Ленинград остида, Украина ва Беларуссияда, Болтиқбўй ва Шимолда олиб борилган қарқинч жангларда душман мамлакатимиз территориясидан қувиб юборилди.

Уруш ҳаракатлари мамлакатимиз чегарасининг нариги ёғига ўтди. Совет армияси Руминия, Болгария, Финляндия, Польша, Венгрия, Норвегия ҳамда Чехословакия территориясини немис-фашистлари зулмидан озод қилди. Фашистлар Германияси батамом маглуб бўлганини тан олди.

Совет Иттифоқининг ғалабаси жаҳонда социализм ва демократия кучларини янада мустаҳкамлади. Империализм ва реакция кучларини заифлаштирди. Капиталистик системанинг умумий кризисига янада чуқурлашди. Европадаги қатор мамлакатлар социализм йўлига қадам қўйди. Жаҳон социалистик системаси бунёдга келди. СССР нинг тарихий ғалабаси натижасида Осиё, Африка ва Латин Америкасида миллий-озодлик кураши авж олиб кетди.

Эндикда буржуа бўхтончилари Совет Иттифоқининг фашист босқинчиларини тор-мор келтиришдаги ролини пасайтиришга, фашистлар Германияси маглубиятининг ҳақиқий сабабларини яширишга уринмоқдалар. Улар ҳамма айбни Гитлерга тўнкаб, «агар ҳозирги империалистик давлатларнинг ҳарбий арбоблари» Гитлернинг хатоларини ҳисобга олиб иш тўхтатсалар, янги урушда ғалаба қозонадилар», деб нишонтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Халқимиз гойат оғир синовлардан шунинг учун ҳам голлиб бўлиб чиққини, у адолатли мақсад учун, ўз социалистик Ватани учун, фашизм зулини остида эзилган халқларнинг озодлиги учун курашди. Аввало, Совет Социалистик Иттимонини давлат тузуми халқимизга енгилмас буюк куч-қудрат бағишлади.

Коммунисттик партия ғалабамиз илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Партия раҳбарлигида бутун мамлакат ҳўжалиги гойат қисқа муддатда ҳарбий изга кўчирилди. Партия мамлакатимиз барча халқларини ўз Ватанини ҳимоя қилишга курашга отлатирди. Ленинча халқлар дўстлигини зўр куч-қудратни фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг асосий манбабларидан бири бўлди. Ленин партияси мамлакатимиз Қуроли Кучлари устидан илҳий раҳбарлик таъминлади, армияни илгор ҳарбий фан билан қуролаштирди, уни биринчи даражали ҳарбий техника ва қуролаб билан таъминлади.

Совет халқи ва унинг мард жангчи фарзандлари Улуғ Ватан урушида мисли кўрилмаган оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. 12 миллион киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. 12 минг жангчи эса Совет Иттифо-



ЖАСУР СОВЕТ ХАЛҚИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

